

## Москвада «Зиёратгоҳлар тасвирлари» кўргазмаси ўтказилади



14:00 / 09.09.2021 2138

10 сентябр куни Москвадаги Шарқ давлат музейида «Зиёратгоҳлар тасвирлари» кўргазмаси тақдим этилади. Кўргазмада 18-19 асрларга оид ислом қўлёзмаларининг аввалги номаълум миниатюралари ва қирққа яқин асарлар намойиш этилади.

Кўргазмада ислом санъатидаги тасвирий анъаналарнинг ўзига хослиги, муқаддас шаҳарлар, хусусан Макка ва Мадина тасвирларининг келиб чиқиши кўрсатилади.

Бундан ташқари, кўргазма 19-аср охири 20-аср бошларидаги «Далайл ал Хайрат» ва Шомиллий миниатюраларига Европа расмларининг таъсир этганлиги намойиш этилади. Ушбу кўргазма Болгария Волга томонидан Исломни қабул қилинганининг 1100 йиллигига бағишланади ҳамда «Ватан

тарихи» жамғармасы томонидан қўллаб-қувватланади. Кўргазмага Илья Зайцев бошчилик қилмоқда.